



Савол:

Ассаламу алайкум Устозлар. Мен hozirги кунда узок юртда талаба бўлиб юрибман. Бу ерда ислом дини ривожланмаган бўлиб (бутун давлат бўйлаб атига 4 та масжид бор) ейдиган озик-овкатлари (гўшт) асосан сув хайвони, чўчка, товук ва ундан кейин мол ёки бошка хайвон гўшти.

Парранда (товук) кандай сўйилганлигини билмаган холда унинг гўштини еса бўладими? Колган хайвонлар гўшти хакида хам хукмни айтиб ўтсангиз.

Жавоб:

Шариатга кўра сўйилиши керак бўлган хар кандай хайвоннинг халол сўйилгани билинмаса ва шу юртда хайвонлар аксар холатларда “бисмиллахсиз” сўйилса унинг хаммасидан эҳтиёт бўлинади ва ейилмайди. Чунки хадисда «... ким шубхалардан сакланса динини ва обрўсини саклабди. Ким шубхали ишга тушиб колса харомга тушиши мукаррар. Бамисоли чорбог атрофида кўй бокаётган чўпон, унинг кўйлари чорбобка кириб кетай дейди....» (Муттафакун алайхи)

Сув хайвонларининг барчаси халол бўлиб, уларни пиширишда шубхали ёки харом бўлган хайвонлар ёғи аралашмаган бўлса тановул килиш жоиз.